ПО ПОВОДУ ВЫБОРОВ ДОЛЖНОСТНЫХ ТУЗЕМЦЕВ В НАМАНГАНЕ[1]

Туземний газет идорасига бир хабари афсус осор 1910-йилги ахволоти халкияларимиздин. Надомат киладургон ишлар вокеъ бўлиб, халкни хайратга соладур. Алалхусус, ахли илм ва ахли фатвои шариат ишларига алокалик ёки мурофлик одамлар гўё табодили олам ёки табодили мулк бўлган каби кўринадур. Чунончи, хар ерда бўлган сайловлар хусусидаги бетартибликлар ва бефикрликлар миллатга ошно кишиларни нихоятда гусса ва андишаларга соладур. Чунончи, Ўзганд кози сайловидек Наманган ахолисида хам атрофларида кўб ерларда барпо бўлган сайловларда Наманган атрофида бўлустлар мухофазат килиб, ўз козилари илан тортишиб, элликбоши деган халкларни ўз ихтиёрига кўймаганларини хамма ерда пристўф ва хокимлар билиб туруб манъ килмаганлари фикрга соладурки, бўлустлар хам кози сайловига алокалик эканлиги маълум бўладур. Халкни фахми шул эдики, бўлустнойлар факат одам хозирлаб берувмакга хадди бор, бўлак хусусда дахли йўк, деб фахм килурдилар. Эмди маълум бўлдики, бўлак хусусда хам кўб дахли бор экан. Иккинчи шулки, элликбошилар сайлаганда халк элликбошини андиша ва фикрлик дурбин кишидин килмаганлари ўз инкирозига юз тутганларини кўрсатадур. Масалан, бир одамни козиликка сайладилар, хох яхши, хох ёмон. Миллий кози бўлишни положенияда 223-бобда зикр килингандурки, эътибори бор, етти кундин зиёда хибис бўлмаган, ўттиз сўмдин зиёда иштроф тўламаган, ёши йигирма бешдин паст эмас одам бўлур, деган экан. Олим ё оми, ахмок ё доно киши ё шариат биладургон ва ё низом биладургон демагани шулки, факат инсон бўлсун, мазкур айбларга дучор бўлмаган бўлсун дегани бул вилоятларимизга катта йўл бўлиб, саводи бўлмаса хам, миллий шарорати бўлса хам, миллий положенияда илми кифоя киладургон хам деб ёзилмагандур. Хибис бўлмаган, иштроф тўламаган, ёши йигирма бешдан зиёда деган сўз катта важх бўлиб, алхолда кўрасиз, кимларни кўлларига бул катта шариат хукмини топширадурлар. 15-номерлик газета бир мухаккак Салох имзоси-ла ёзган макола хўб дуруст, тўгри макола эканки, башарти козилар мулладин, уламодин бўлса, кодири имтихон бўлурлар эди. Лекин сад хайф, ўзимиз айбдор, на учунким миллатимизни кавий бўлмагани, хеч фикр-андиша киладурган киши йўк. Андиша киладурган одамни одам хам хисоб килмайдурлар. Бул хам ўзимизни бефикрлигимиздан бўлур. Хўб, оми хам бўлсун, оми хам факат ўз ройи илан бир иш килмокга кодир эмас. Шариат масъалаларини муфти ва олимлар кўрсатуб фатво берадурлар. Анда хукм килса керак. Шунчалик эканки, фалон ерда омидин кози килибдур. Рахмат ёки лаънат деганда ўттуз минг ахли бўлса, ўттуз мингдин рахмат ёки лаънат тегадур. Положенияни бобига мувофик элликбоши деган халк хохлаганига мувофик кимгаки шар кўб тушса, они ёзар экан. На килсунлар, бул хил килмасалар, положенияга мувофик бўлмайдур. Положенияда шариат биладурган мулладин деган эмас экан. Ўзимиз хохлаймизми, нима ва ким бўлса они килурлар. Уларга ким ва нима бўлиши хам даркор эмас экан. Бинобарин, ўз халкимиз бири паст, бири баланд деб, беиттифок бўлурлар. Фард:

Бефикр ўлсанг, эй дўст, мухтожи нон ўлурсан.

Идорадин:

Положенияда халк орасида обрў ва эътибори бор одам бўлсун деган. Албатта, мингбошиликка мингбоши бўлмокликка муносиб обрўси бўлуб, козиликка кози бўлмокга лаёкат ва муносабатлик обрў бўлмок лозимдур. Положенияни мулохаза килмок керак.

Идора.

Туркистон вилоятининг газети, 1910 йил, №22, 21 март

[1] 1910 йили генерал-губернаторлик маъмурияти махаллий лавозимларга (мингбоши, кози, юзбоши ва х.к.) сайлов ўтказишни жорий килади. Шу муносабат билан Исхокхон Ибрат сайлов жараёнидаги найранглар, сохтакорлик, порахўрликларни ва айникса, шундай масъулиятли лавозимларга нопок кимсаларнинг сайланганини каттик танкид килади. Хатто газета маъмурияти ушбу маколага жавоб хам ёзишга мажбур бўлган.